



МАЖБУРИЯТНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Паянов Одил Жумайевич

Ҳуқуқ магистри

Аннотация: Мазкур мақолада мажбуриятни лозим даражада бажаришнинг фуқаролик-ҳуқуқий табиати ва уни амалга ошириш билан боғлиқ айрим назарий ҳамда амалий масалалар таҳлил қилинган. Хусусан, мажбуриятни бажариш механизмида тарафларнинг манфаатдорлиги, ҳуқуқий мажбурийлик ва давлат томонидан таъминладиган ҳуқуқий ҳимоя воситаларининг ўрни ёритилган. Мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортишнинг ҳуқуқий оқибатлари, аввал амалга оширилган ижрони қайтариш ва зарарни қоплаш масалаларининг ўзаро нисбати тадқиқ этилган. Шунингдек, умумий ва махсус ҳуқуқий нормаларнинг бир томонлама рад этиш оқибатларини белгилашдаги аҳамияти очиб берилган. Мақолада мажбурият ижросини учинчи шахс зиммасига юклашнинг ҳуқуқий табиати, уни қарзни бошқа шахсга ўтказиш ва мажбуриятда шахслар алмашинуvidан фарқловчи жиҳатлар, учинчи шахснинг ижроси натижасида қарздорнинг жавобгарлиги ҳамда айрим ҳолларда кредитор ҳуқуқларининг учинчи шахсга ўтиши масалалари ҳам таҳлил қилинган. Тадқиқот натижасида бир томонлама бош тортиш ва учинчи шахс томонидан мажбуриятни бажариш институтларини қўллашда тарафлар манфаатлари мувозанатини таъминлашга қаратилган илмий-амалий ҳулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: мажбурият, мажбуриятни бажариш, лозим даражада бажариш, шартнома, бир томонлама бош тортиш, бир томонлама рад этиш, шартномани бекор қилиш.

Мажбуриятларни бажариш фуқаролик ҳуқуқининг энг муҳим институтларидан бири бўлиб, у фуқаролик-ҳуқуқий муомаланинг объектив зарур элементи сифатида намоён бўлади. Ҳар қандай мажбурият ўз ҳуқуқий табиатига кўра муайян натижага, яъни унинг бажарилиши ва шу орқали ҳуқуқий муносабатнинг яқунланишига йўналтирилган бўлади. Илмий адабиётларда ҳам мажбурият натижасида юзага келадиган муайян “ҳуқуқий таранглик” охир-оқибатда бартараф этилиши, унинг нормал тугаш шакли эса кредитор манфаатининг кондирилиши, яъни мажбуриятда назарда тутилган ҳуқуқий ҳолатнинг амалда рўёбга чиқиши билан боғланиши таъкидланади.



Шу нуқтаи назардан, мажбуриятни бажариш фақат қарздор зиммасидаги формал вазифани амалга ошириш эмас, балки мажбурият муносабати орқали кўзланган ҳуқуқий ва иқтисодий натижага эришиш воситаси ҳисобланади. Тарафлар шартномавий муносабатга киришар экан, одатда бири тегишли ижрони олишга, иккинчиси эса уни амалга оширишга интилади. Бу қоида деликтдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ва асоссиз бойлик орттиришдан келиб чикувчи кондикцион мажбуриятларга нисбатан тўлиқ татбиқ этилмаслиги мумкин, чунки бундай мажбуриятлар тарафларнинг олдиндан келишилган эрки асосида эмас, балки қонунда назарда тутилган юридик фактлар натижасида вужудга келади.

Шу сабабли юридик адабиётларда баъзан мажбуриятни бажариш механизми тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги билан изоҳланади. Бироқ, фикримизча, бундай ёндашув етарлича аниқ эмас. Тарафларнинг манфаатдорлиги, энг аввало, уларни шартномавий муносабатга киришишга ундайдиган мотив ҳисобланади, аммо уни бевосита мажбуриятни бажариш механизми сифатида баҳолаш тўғри бўлмайди. Чунки амалиётда мажбуриятни бажариш вақти келганда қарздорнинг уни ижро этишга бўлган дастлабки иқтисодий манфаати йўқолиши ёки сезиларли даражада пасайиши мумкин. Айрим мажбуриятларда, хусусан, деликт мажбуриятларида эса қарздорнинг ижродан манфаатдорлиги аксарият ҳолларда умуман мавжуд бўлмайди.

Демак, мажбуриятни бажаришни таъминловчи асосий омилни фақат тарафларнинг субъектив манфаатдорлиги билан боғлаш мумкин эмас. Бунда ҳуқуқий мажбурийлик, шартнома интизоми, давлат томонидан таъминланадиган ҳимоя механизмлари, мулкӣ жавобгарлик чоралари ва кредиторга берилган ҳимоя воситалари ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу маънода, мажбуриятни бажариш механизми субъектив манфаат билан эмас, балки ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг юридик жиҳатдан таъминланган тизими билан белгиланади.

Мазкур масалани таҳлил қилишда мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортиш билан боғлиқ муаммолар алоҳида эътибор талаб қилади. Амалиёт шуни кўрсатадики, бир томонлама бош тортиш юзасидан келиб чиқадиган низоларнинг катта қисми рад этишнинг ўзи қонуний ёки қонуний эмаслигидан кўра, унинг қандай ҳуқуқий ва мулкӣ оқибатларга олиб келиши билан боғлиқ бўлади. Шу боис мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортиш натижасида тарафлар учун юзага келадиган мулкӣ оқибатларни аниқ белгилаш муҳим назарий ва амалӣ аҳамиятга эга.

Бироқ бир томонлама бош тортишнинг оқибатлари фақат мулкӣ



масалалар билан чекланмайди. Бундай ҳуқуқий ҳаракат шартномавий ҳуқуқий муносабатнинг ички тузилишига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Хусусан, бир томонлама бош тортиш шартноманинг ўзгариши ёки бекор бўлишига, тарафларнинг аввал мавжуд бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасининг қисқариши, ўзгариши ёки бутунлай тугашига олиб келади. Шу маънода, бир томонлама бош тортишни нафақат мулкӣй натижа туғдирувчи юридик факт, балки мажбурият муносабатининг динамикасига таъсир этувчи ҳуқуқий восита сифатида ҳам баҳолаш лозим.

Бир томонлама бош тортишнинг ҳуқуқий оқибатлари, одатда, турли даражадаги нормалар орқали тартибга солинади. Биринчи даражада шартномани бекор қилишнинг умумий оқибатларини белгилайдиган қоидалар амал қилади. Бундай умумий қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинги ўринларда – ФК)нинг 385-моддасида мустаҳкамланган. Иккинчи даражада муайян турдаги шартноманинг бекор қилиниши ёки тугатилишига хос махсус ҳуқуқий оқибатларни назарда тутувчи нормалар қўлланилади. Учинчи даражада эса бир томонлама рад этишнинг аниқ бир ҳолати учун бевосита белгиланган махсус қоидалар амал қилади.

Шу тариқа, бир томонлама рад этишнинг ҳуқуқий оқибатларини аниқлашда умумий ва махсус нормаларнинг ўзаро нисбатини тўғри белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки муайян ҳолатда фақат шартномани бекор қилишнинг умумий қоидаларига таяниш етарли бўлмаслиги мумкин; айти пайтда, махсус нормаларни умумий қоидалардан узилган ҳолда қўллаш ҳам ҳуқуқий тартибга солишнинг яхлитлигига путур етказиши эҳтимолини туғдиради. Шу сабабли бир томонлама рад этиш институтини қўллашда ҳуқуқий оқибатларнинг тизимли ва босқичма-босқич тартибга солинишини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Агар мажбуриятни бажаришдан бир томонлама рад этишнинг оқибатларини махсус тарзда белгилаб берувчи нормалар мавжуд бўлмаса, бундай ҳолатда шартномани бекор қилиш ёки ўзгартиришнинг умумий қоидалари қўлланилади. ФК 385-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ, агар тарафлар келишувида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, улар шартнома ўзгартирилгунига ёки бекор қилингунига қадар мажбурият бўйича амалга оширган ижрони қайтаришни талаб қилишга ҳақли эмаслар. Бироқ юридик адабиётларда қайд этилганидек, мазкур қоида айрим ҳолатларда шартноманинг бекор қилиниши натижасида юзага келадиган мулкӣй оқибатларни адолатли ҳал этиш имконини бермайди. Айниқса, шартноманинг бекор қилиниши тарафлардан бирининг мажбуриятни бузиши билан боғлиқ бўлган вазиятларда бу муаммо янада



якқол намоён бўлади. Чунки бундай ҳолларда бузилишда айбдор бўлган тарафни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш масаласи шартномани бекор қилиш оқибатларидан алоҳида тартибда ҳал этилади. Натижада шартнома доирасида аввал амалга оширилган ижрони қайтариш масаласи билан ҳуқуқбузар тарафнинг жавобгарлиги бир-биридан фарқ қилувчи мустақил ҳуқуқий механизмлар асосида тартибга солинади. Суд амалиётида эса мажбуриятни бажаришдан бир томонлама рад этиш натижасида юзага келган муносабатларга асоссиз бойлик орттириш институти қоидаларини татбиқ этиш мумкинлиги эътироф этилади. Шу тариқа, шартнома бекор қилинганидан сўнг тарафлардан бири иккинчи тараф ҳисобига ҳуқуқий асоссиз мулкӣ манфаат сақлаб қолган бўлса, уни қайтариш масаласи кондикцион мажбуриятлар қоидалари орқали ҳал қилиниши мумкин.

Шу билан бирга, айрим турдаги шартномаларга бағишланган махсус нормалар шартнома бўйича бажарилган нарсани қайтариш масаласида ФК 385-моддаси тўртинчи қисмида назарда тутилган умумий қоидадан фарқ қилувчи тартибни белгилайди. Масалан, сотилган товар сифатига нисбатан қўйиладиган талаблар жиддий равишда бузилган тақдирда, харидор олди-сотди шартномасини бажаришдан бош тортиш ва товар учун тўланган пул маблағини қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бундай имконият ФК 408-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган. Худди шундай, олди-сотди шартномасига оид умумий қоидаларда ҳам бир томонлама рад этишнинг мулкӣ оқибатларини тартибга солувчи нормалар мавжуд. Жумладан, агар харидор товар учун олдиндан тўловни амалга оширган бўлса-ю, сотувчи товарни белгиланган тартибда топширмаган бўлса, харидор олдиндан тўланган маблағни қайтаришни талаб қилиши мумкин. Бу ҳуқуқ ФК 420-моддасининг учинчи қисмида мустаҳкамланган. Шунингдек, товар насияга сотилган ва харидор унинг ҳақини тўламаган ҳолларда, сотувчи тўланмаган товарни қайтаришни талаб қилиш имкониятига эга бўлади; бундай қоида Кодекс 421-моддасининг учинчида назарда тутилган. Мазкур махсус нормаларнинг умумий хусусияти шундаки, улар шартнома тарафларига аввал бажарилган ижрони ўзаро қайтариш мажбуриятини юклайди. Бундай ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий мақсади шартнома бажарилиши бошланғунига қадар мавжуд бўлган мулкӣ ҳолатни имкон қадар тиклашдан иборат. Яъни бир томонлама рад этиш натижасида шартнома муносабати тугатилганда тарафлардан бири асоссиз равишда иккинчи тараф ҳисобидан мулкӣ устунликка эга бўлиб қолмаслиги керак.

Шу боис шартномани бажаришдан бир томонлама рад этиш



оқибатларини баҳолашда икки хил ҳуқуқий масалани бир-биридан ажратиш муҳим. Биринчиси – тарафлар томонидан аввал амалга оширилган ижрони қайтариш ва уларнинг мулкӣ ҳолатини тиклаш масаласи. Иккинчиси эса шартнома бузилишига йўл қўйган айбдор тарафга нисбатан жавобгарлик чораларини қўллаш масаласидир. Ушбу икки масала ҳуқуқӣ табиати ва мақсадига кўра фарқ қилади ва шунинг учун уларни мустақил тартибда ҳал этиш зарур.

Фикримизча, мазкур ёндашув назарий ва амалӣ жиҳатдан асослидир. Чунки реституциявий ёки кондикциявий характердаги қайтариш чоралари тарафларнинг мулкӣ мувозанатини тиклашга қаратилган бўлса, фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарлик чоралари ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарарни қоплаш ва шартнома интизомини таъминлаш мақсадини кўзлайди. Шу сабабли бир томонлама рад этиш натижаларини тартибга солишда ижрони қайтариш ва жавобгарлик масалаларини ҳуқуқӣ жиҳатдан аралаштирмасдан, ҳар бирини мустақил асос ва шартлар асосида ҳал қилиш мақсадга мувофиқ.

Шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортиш натижасида вужудга келадиган ҳуқуқӣ муносабатларга нисбатан фақат шартномани бекор қилишнинг умумӣ оқибатларини белгилайдиган нормаларгина эмас, балки айрим турдаги шартномаларнинг ҳар қандай асос бўйича тугатилиши ёки бекор қилиниши натижаларини тартибга солувчи махсус қоидалар ҳам татбиқ этилиши мумкин. Бундай махсус ҳуқуқӣ механизмлар, жумладан, махсулот етказиб бериш, ижара, текин фойдаланиш ҳамда пудрат шартномаларига оид нормаларда назарда тутилган. Шу маънода, бир томонлама бош тортишнинг ҳуқуқӣ оқибатларини аниқлашда муайян шартнома турининг хусусияти, унинг мазмуни ва мазкур шартномани тугатишга доир махсус қоидалар мавжудлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Суд амалиётида, хусусан, ижара шартномаси бўйича аввал бажарилган мажбуриятларни ёки берилган мол-мулкни қайтариш масаласини ҳал қилишда шартнома муносабатларининг айнан қандай асосда тугатилгани муҳим юридик факт сифатида баҳоланади. Бунда тарафлардан бирининг шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортиши натижасида шартномавий муносабатлар тугатилган-тўхтатилганлиги, бундай бош тортиш қонун ёки шартнома билан назарда тутилган асосларга мувофиқ амалга оширилганлиги, шунингдек, бош тортиш пайтига қадар тарафлар томонидан қандай мажбуриятлар бажарилганлиги инобатга олинади. Демак, ижара муносабатларида ижро этилган нарсани қайтариш масаласи шартноманинг тугатилганлиги фактининг ўзи билангина эмас, балки бир



томонлама бош тортишнинг ҳуқуқий табиати ва унинг амалга оширилиш шароитлари билан ҳам узвий боғлиқдир.

Айрим ҳолатларда қонун шартнома иштирокчисига муайян сабаблар ёки шартларнинг мавжудлигидан қатъи назар, шартномани бажаришдан исталган вақтда бир томонлама бош тортиш ҳуқуқини беради. Бироқ бундай ҳуқуқни амалга ошириш иккинчи тараф учун салбий мулкӣ оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги сабабли, қонун рад этиш ҳуқуқига эга бўлган тараф зиммасига контрагентга етказилган зарарни тўлиқ ёки муайян қисмида қоплаш мажбуриятини юклайди. Бу ҳолатда зарарни қоплаш мажбурияти бир томонлама рад этишнинг ғайриқонунийлиги оқибати эмас, балки қонун билан рухсат этилган субъектив ҳуқуқни амалга ошириш билан боғлиқ мулкӣ мувозанатни таъминлаш воситаси сифатида намоён бўлади.

Ҳуқуқий адабиётларда аввалдан илгари сурилган ёндашувлардан бирига кўра, зарарнинг мавжудлигини уни келтириб чиқарган ҳаракатнинг ҳуқуққа хилофлиги билан айнанлаштириб бўлмайди. Чунки мулкӣ йўқотиш ёки зарар фақат ғайриқонуний хатти-ҳаракат натижасида эмас, балки табиӣ ҳодисалар, шахснинг қонуний ҳаракатлари ёхуд хатто зарар кўрган шахснинг ўз фаолияти оқибатида ҳам юзага келиши мумкин. Шу сабабли зарарнинг мавжудлиги ўз-ўзидан уни келтириб чиқарган шахснинг ҳуқуққа хилоф ҳаракат қилганини англатмайди. Аксинча, зарарни қоплаш мажбуриятининг келиб чиқиши учун қонун ёки шартномада белгиланган махсус юридик асос мавжуд бўлиши лозим.

Шу нуқтаи назардан, шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортиш ҳуқуқини амалга ошириш асослари билан бундай рад этиш натижасида юзага келган зарарни қоплаш мажбуриятини бир-биридан аниқ ажратиш талаб этилади. Биринчи ҳолатда гап тарафнинг шартномавий муносабатни бир томонлама тугатишга бўлган субъектив ҳуқуқи қайси юридик фактлар асосида вужудга келиши ҳақида боради. Иккинчи ҳолатда эса мазкур ҳуқуқдан фойдаланиш натижасида контрагентда юзага келган мулкӣ йўқотишларни ким ва қай даражада қоплаши лозимлиги масаласи ҳал этилади. Илмӣ адабиётларда ушбу икки ҳуқуқий ҳолат ҳар доим ҳам етарлича аниқ фарқланмайди [1]. Натижада, айрим ҳолларда қонуний равишда амалга оширилган бир томонлама рад этиш асоссиз тарзда ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланиши ёки, аксинча, зарарни қоплашга доир мустақил мажбурият етарлича эътибордан четда қолиши мумкин.

Фикримизча, шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортиш билан боғлиқ муносабатларда икки мустақил ҳуқуқий масалани фарқлаш мақсадга мувофиқ. Биринчиси – бир томонлама рад этиш ҳуқуқининг



вужудга келиши ва уни амалга оширишнинг қонуний асослари; иккинчиси эса – мазкур ҳуқуқ амалга оширилиши натижасида бошқа тарафнинг мулкӣ манфаатларига етказилган салбий оқибатларни қоплаш масаласидир. Шундай ёндашув бир томонлама рад этиш институтининг ҳуқуқӣ табиатини тўғри англаш, қонуний ҳаракат билан шартномавий ҳуқуқбузарлик ўртасидаги чегарани белгилаш ҳамда тарафлар мулкӣ манфаатларининг адолатли мувозанатини таъминлаш имконини беради.

Шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортиш билан боғлиқ ҳолатларни ҳуқуқӣ жиҳатдан баҳолашда икки хил вазиятни ўзаро фарқлаш зарур. Биринчи ҳолатда қонун ваколатли тарафнинг шартномадан бир томонлама бош тортиш ҳуқуқини амалга оширишини унинг контрагентга етказилган зарар ёки қилинган харажатларни қоплаш мажбурияти билан бевосита боғлайди. Бунда зарарни қоплаш мажбурияти рад этиш адресатининг тегишли талаб билдириши ёки билдирмаслигидан қатъи назар, қонуннинг ўзига асосан юзага келади. Иккинчи ҳолатда эса бир томонлама бош тортиш ҳуқуқининг амалга оширилиши зарарни автоматик тарзда қоплаш шартига боғланмайди, балки бундай мажбурият фақат қарши тараф тегишли талабни илгари сурган тақдирдагина вужудга келади.

Масалан, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига оид қоидаларга мувофиқ, буюртмачи шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортиш ҳуқуқига эга, бироқ бу ҳуқуқни амалга ошириш ижрочининг амалда қилган харажатларини қоплаш шarti билан боғланган. Ўз навбатида, ижрочи ҳам шартномани бажаришдан бош тортиши мумкин, аммо бунда буюртмачига етказилган зарарни тўлиқ қоплаши талаб этилади. Мазкур ёндашув ФКнинг 706-моддасида ифодаланган. Воситачилик шартномасида эса бошқача конструкция қўлланилади. Унга кўра, комитент исталган вақтда воситачига берилган топширикни бекор қилиш орқали воситачилик шартномасини бажаришдан бош тортиши мумкин. Бироқ воситачи топшириқнинг бекор қилиниши натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Демак, бу ерда зарарни қоплаш мажбурияти бош тортиш фактининг ўзи билан автоматик тарзда эмас, балки воситачининг тегишли талабни билдириши орқали амалий мазмун касб этади.

Шу муносабат билан мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортиш институтига оид умумлаштирувчи айрим хулосаларни шакллантириш мумкин. Аввало, кредитор ўз зиммасидаги мажбуриятни лозим даражада бажариб бўлганидан кейин, қарздор умумий қоидага кўра, бир томонлама тартибда ўз мажбуриятини бажаришдан бош тортиш имкониятига эга эмас. Чунки мажбуриятнинг бажарилиши тарафларнинг



хукукий манфаатлари мувозанатига асосланади ва кредитор томонидан ўз мажбуриятининг бажарилиши қарздор зиммасидаги қарши мажбуриятни бажариш заруратини келтириб чиқаради. Шу сабабли қарздорнинг асоссиз равишда мажбуриятдан четга чиқиши шартномавий интизом ва мажбуриятларни лозим даражада бажариш принципига зид бўлиши мумкин.

Бир томонлама бош тортиши ҳуқуқининг қонунда назарда тутилган барча асосларини шартли равишда икки асосий гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга шундай ҳолатлар кирадики, уларда шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортиш ҳуқуқи муайян юридик шартлар ёки фактларнинг мавжудлиги билан боғланган бўлади. Хусусан, бундай ҳуқуқ тарафлардан бири томонидан шартнома шартларининг бузилиши кутилганда, шартнома аллақачон бузилган ҳолларда ёки шартнома бузилиши билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа муҳим ҳолатлар юзага келганда амалга оширилиши мумкин. Демак, ушбу гуруҳда рад этиш ҳуқуқи мутлақ хусусиятга эга эмас, балки муайян юридик фактларнинг мавжудлигига боғлиқ субъектив ҳуқуқ сифатида намоён бўлади.

Иккинчи гуруҳга эса шундай ҳолатлар мансубки, уларда ваколатли тараф бирор махсус ҳолатнинг мавжудлигини исботлашга мажбур бўлмасдан, ўз хоҳишига кўра исталган вақтда шартномани бажаришдан бош тортиши мумкин. Бундай ҳуқуқнинг қонунда мустаҳкамланиши турли сабаблар билан изоҳланади. Жумладан, шартнома муносабатларининг шахсий ишончга асосланган, яъни фидуциар хусусиятга эга бўлиши; тарафлардан бирининг шахсий ёки касбий сифатлари шартномавий муносабат учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиши; шартноманинг амал қилиш муддати белгиланмаган бўлиши; шунингдек, шартнома иштирокчиларидан бири иқтисодий жихатдан заифроқ ҳолатда бўлган шахс, хусусан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган фукаро бўлиши ана шундай асослар қаторига киради.

Фикримизча, мазкур тасниф бир томонлама бош тортишнинг ҳуқуқий табиатини чуқурроқ англаш имконини беради. Биринчи ҳолатларда рад этиш, одатда, шартномавий муносабатларда юзага келган муайян салбий ҳолатга нисбатан ҳуқуқий реакция вазифасини бажарса, иккинчи ҳолатларда у тарафнинг қонун билан тан олинган автоном иродаси ва шартномавий муносабатларни давом эттириш ёки тугатиш эркинлигининг ифодаси сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга, ушбу эркинлик иккинчи тараф манфаатларини асоссиз равишда бузмаслиги лозим, шу сабабли қонун айрим ҳолларда зарар ёки харажатларни қоплаш мажбуриятини ҳам белгилайди.

Мажбурият муносабатларида учинчи шахснинг иштирок этиши ҳам



алохида ҳукукий хусусиятларга эга. Учинчи шахснинг мажбуриятда юридик иштироки унинг асосий ҳукукий муносабатга тўғридан-тўғри тараф сифатида эмас, балки кредитор ёки қарздор билан қўшимча ҳукукий алоқа орқали боғланиши билан тавсифланади. Ушбу қўшимча ҳукукий алоқа учинчи шахсни муайян шароитларда мажбуриятнинг актив ёки пассив томонида иштирок этиши мумкин бўлган потенциал субъект ҳолатига олиб келади. Масалан, учинчи шахс фойдасига тузилган шартномада у келгусида талаб қилиш ҳукуқига эга бўлиши мумкин бўлган актив субъект сифатида намоён бўлса, мажбурият бажарилишини таъминлаш муносабатларида эса муайян ҳолатларда пассив тарафга яқин ҳукукий ҳолатни эгаллаши мумкин.

Учинчи шахснинг мажбуриятга фактик таъсири эса юридик иштирокдан фарқ қилади. Бунда учинчи шахснинг ҳаракати мажбурият муносабатининг ривожланиши, бажарилиши ёки тугатилишига амалда таъсир кўрсатиши мумкин, бироқ у мустақил равишда мажбуриятнинг субъекти сифатида тан олинмайди. Масалан, мажбуриятни бажаришни бошқа шахсга йўналтириш ҳолатида учинчи шахс кредиторнинг, мажбуриятни бажаришни учинчи шахс зиммасига юклашда эса қарздорнинг ҳукукий шахсияти доирасида ҳаракат қилади. Шу сабабли бундай вазиятда учинчи шахс билан асосий мажбурият ўртасида мустақил юридик алоқа шаклланимайди.

Мажбуриятда учинчи шахс юридик жиҳатдан иштирок этган ҳолларда эса оддий икки томонлама ҳукукий муносабатга нисбатан мураккаброқ ҳукукий тузилма юзага келади. Ушбу конструкция ўзаро боғланган икки ҳукукий алоқадан ташкил топади. Биринчиси – кредитор билан қарздор ўртасидаги асосий мажбурият муносабати. Иккинчиси эса – учинчи шахс билан асосий мажбурият иштирокчиларидан бири ўртасидаги қўшимча ҳукукий муносабатдир. Масалан, учинчи шахс фойдасига тузилган шартномада қўшимча ҳукукий боғланиш учинчи шахс билан кредитор ўртасида, мажбурият бажарилишини таъминлашда эса учинчи шахс билан қарздор ўртасида шаклланиши мумкин.

Учинчи шахс ва мажбурият тарафларидан бири ўртасида юзага келадиган мазкур қўшимча ҳукукий алоқанинг асосий вазифаси учинчи шахснинг келгусида мажбурият муносабатининг бевосита иштирокчисига айланиши учун ҳукукий замин яратишдан иборат. Бундай алоқа муайян юридик фактлар содир бўлиши натижасида шахслар алмашинуви институтининг ҳаракатга келишига олиб келиши мумкин. Натижада учинчи шахс мажбуриятнинг пассив томонига, яъни муайян мажбуриятни бажариши лозим бўлган шахс ҳолатига ёки аксинча, актив томонига, яъни талаб қилиш ҳукуқига эга бўлган субъект мақомига ўтиши мумкин.



Қонунчиликда мажбуриятнинг учинчи шахс томонидан бажарилишининг, асосан, икки кўриниши ажратилади. Биринчи ҳолатда учинчи шахс мажбуриятни ўз ташаббуси билан бажаради. Бунда унинг ҳаракати қарздорнинг махсус топшириғига асосланмаслиги мумкин, бироқ қонунда назарда тутилган ҳолатларда бундай ижро кредитор учун тегишли ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Иккинчи ҳолатда эса мажбуриятни бажариш учинчи шахсга қарздорнинг ўзи томонидан юкланади. Яъни қарздор ўз зиммасидаги мажбуриятни амалда бажаришга қаратилган муайян ҳаракатларни бошқа шахс амалга оширишини белгилайди.

Юридик адабиётларда қарздор томонидан мажбуриятни ижро этиш ҳаракатларининг учинчи шахсга топширилиши “ижрони қайта топшириш” ёки “ижрони учинчи шахс зиммасига юклаш” сифатида тавсифланади. Бундай конструкцияда қарздор мажбуриятдан чиқиб кетмайди ва, қоида тариқасида, кредитор олдида мажбуриятнинг лозим даражада бажарилиши учун жавобгар субъект бўлиб қолаверади. Учинчи шахс эса қарздорнинг ўрнига фактик ижрони амалга оширади. Шу сабабли мажбуриятни учинчи шахс томонидан бажариш шахслар алмашинуви билан ҳар доим ҳам бир хил ҳуқуқий мазмунга эга эмас: шахс алмашинувида мажбурият субъекти ўзгаради, ижрони учинчи шахсга юклашда эса асосий мажбуриятнинг субъект таркиби сақланиб қолган ҳолда фақат уни бажариш функцияси бошқа шахс орқали амалга оширилади.

Шундай қилиб, мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортиш ҳамда мажбуриятда учинчи шахс иштироки турли ҳуқуқий институтлар бўлишига қарамасдан, ҳар иккаласи ҳам мажбурият муносабатларининг динамикасига бевосита таъсир кўрсатади. Бир томонлама бош тортиш мавжуд мажбуриятни тўлиқ ёки қисман тугатишга олиб келиши мумкин бўлса, учинчи шахс иштироки мажбуриятни бажариш механизмини мураккаблаштиради ёки унинг субъектлар таркибида муайян ўзгаришлар юзага келишига замин яратади. Шу боис ушбу институтларни қўллашда тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, қонун билан белгиланган шартлар, зарарни қоплаш оқибатлари ҳамда учинчи шахснинг асосий мажбурият билан қандай ҳуқуқий алоқада экани аниқ белгиланиши муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда мажбурият ижросини бошқа шахсга қайта топшириш, яъни уни учинчи шахс зиммасига юклаш институти ФКнинг 241-моддаси биринчи қисмида мустаҳкамланган. Мазкур норма мазмунидан келиб чиқиб, ижрони учинчи шахсга юклаш имконияти фақат шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятлар билан чекланиб қолмаслигини таъкидлаш



лозим. У деликт муносабатлари, асоссиз бойлик орттириш натижасида юзага келадиган кондикциявий мажбуриятлар ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Шу жиҳатдан учинчи шахс томонидан ижрони амалга ошириш мажбурият ҳуқуқининг умумий институтларидан бири сифатида намоён бўлади.

ФКда қарздор томонидан мажбурият ижросининг учинчи шахс зиммасига юкланиши учун асос бўладиган юридик фактларнинг тўлиқ ва ёпиқ рўйхати келтирилмаган. Бироқ қонунда бундай асосларнинг алоҳида санаб ўтилмаганлиги улар мавжуд эмаслигини англатмайди. Амалиётда ижрони учинчи шахсга юклаш турли юридик асосларга таяниши мумкин. Масалан, бу қарздор билан учинчи шахс ўртасидаги шартнома, асосий хўжалик жамиятининг ўз шўъба жамиятига асосий жамият кредитори олдидаги муайян мажбуриятни бажариш ҳақида берган кўрсатмаси, тарафлар ўртасидаги ички корпоратив муносабатлар ёки бошқа ҳуқуқий фактлар бўлиши мумкин. Бинобарин, мажбурият ижросини учинчи шахс зиммасига юклашнинг ҳуқуқий асослари муайян муносабатнинг хусусияти ва тарафлар ўртасидаги ҳуқуқий алоқалардан келиб чиқиб белгиланади.

ФКнинг 241-моддаси биринчи қисмига кўра, умумий қоида сифатида қарздор ўз мажбурияти ижросини учинчи шахс зиммасига юклаш ҳуқуқига эга. Бундан фақат қонун, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мажбуриятнинг шартлари ёки унинг моҳиятидан қарздорнинг мажбуриятни шахсан бажариши шартлиги келиб чиқадиган ҳолатлар мустасно ҳисобланади. Масалан, қарздорнинг шахсий касбий маҳорати, ижодий қобилияти, алоҳида малакаси ёки кредитор учун аҳамиятли бўлган бошқа индивидуал сифатлари ижронинг асосий шарти ҳисобланган мажбуриятларда уни учинчи шахсга юклаш мумкин эмас.

Мажбурият ижроси учинчи шахс зиммасига юкланганида амалда ижрони бажарувчи субъект алмашади. Бироқ ушбу ҳолат мажбуриятда қарздорнинг юридик жиҳатдан алмашганлигини англатмайди. Учинчи шахс мажбуриятнинг мустақил тарафига айланмайди ва кредиторга нисбатан, асосан, қарздор зиммасидаги мажбуриятни амалга оширишга қаратилган фактик ҳаракатларни бажаради. Масалан, у қарздор номидан маҳсулотни юклаб жўнатиши, товар ҳақини тўлаши, мол-мулкни топшириши ёки бошқа ижро ҳаракатларини амалга ошириши мумкин. Шу боис мажбурият ижросини учинчи шахс зиммасига юклаш қарзни бошқа шахсга ўтказиш институтидан тубдан фарқ қилади: қарз ўтказилганда мажбуриятнинг пассив томонидаги субъект юридик жиҳатдан алмашади, ижрони юклашда эса қарздор ўз мақомини сақлаб қолади.

Шу билан бирга, юридик адабиётларда учинчи шахс томонидан



амалга ошириладиган ҳаракатларни фақат фактик ҳаракат сифатида баҳолашга нисбатан бошқача ёндашув ҳам мавжуд. Унга кўра, учинчи шахснинг ижрога қаратилган ҳаракатлари юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракат ҳисобланади, чунки улар муайян ҳуқуқий оқибатларни, жумладан, қарздорнинг кредитор олдидаги мажбурияти тўлиқ ёки қисман тугашини келтириб чиқаради. Бу нуқтаи назар учинчи шахснинг ижроси фақат техник ҳаракат эмас, балки мажбурият муносабатининг динамикасига таъсир этувчи юридик факт эканлигини кўрсатади.

Шу ҳолатда ҳам асосий қарздор мажбуриятдан чиқиб кетмайди. У кредитор олдида худди мажбуриятни шахсан ўзи бажараётгандек ҳуқуқий жавобгарликни сақлаб қолади. Демак, учинчи шахс мажбуриятни лозим даражада бажармаса, умумий қоида бўйича бундай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатлари учун қарздор жавоб беради. ФКнинг 334-моддаси ҳам айнан шу ёндашувни ифодалайди: агар қонун билан бевосита ижрочи бўлган учинчи шахснинг ўзи жавобгар бўлиши белгиланмаган бўлса, қарздор мажбуриятни бажариш учун жалб этган шахсларнинг ҳаракатлари учун кредитор олдида жавобгар бўлиб қолади.

Учинчи шахс томонидан қарздор ўрнига амалга оширилган ижро, қоида тариқасида, лозим даражадаги ижро сифатида эътироф этилади. Шу сабабли кредитор бундай ижрони қабул қилишдан ўз хоҳишига кўра бош тортиши мумкин эмас. Истисно тариқасида, қонун, бошқа ҳуқуқий ҳужжат, мажбурият шартлари ёки унинг моҳияти қарздорнинг мажбуриятни шахсан бажаришини талаб қилган ҳоллардагина кредитор учинчи шахс таклиф қилган ижрони қабул қилмаслик ҳуқуқига эга бўлади. Бу қоида ФК 241-моддаси биринчи қисмининг мазмунидан келиб чиқади.

Иқтисодий судлар амалиётида ҳам кредиторнинг қарздор ўрнига учинчи шахс томонидан таклиф қилинган ижрони қабул қилиши, одатда, қонуний ҳаракат сифатида баҳоланади. Хусусан, суд ишларидан бирида шартнома шартларида мажбурият ижросини учинчи шахсга юклашни тақиқловчи қоида мавжуд эмаслигига алоҳида эътибор қаратилган. Шу асосда кредиторнинг учинчи шахс томонидан таклиф этилган ижрони қабул қилиши ФКнинг 241-моддаси талабларига мувофиқ ва ҳуқуқий жиҳатдан асосли деб топилган. Бу ёндашувдан кўринадики, шартномада махсус тақиқ мавжуд бўлмаган ҳолларда учинчи шахс орқали ижро этиш мажбуриятни бажаришнинг қонуний усуллари билан бири ҳисобланади.

Учинчи шахс томонидан қарздор учун пул маблағлари тўланган ҳолларда асоссиз бойиш институти билан боғлиқ муаммолар ҳам юзага келиши мумкин. Суд амалиёти шуни кўрсатадики, учинчи шахс кейинчалик тўловни хато амалга оширганини билдириб, кредитор олган пул маблағларини асоссиз орттирилган бойлик сифатида қайтаришни



талаб қилса, аввало мазкур тўловнинг ҳуқуқий асосларини аниқлаш лозим. Бунда учинчи шахснинг қарздор учун тўловни қандай ҳуқуқий асосда амалга оширганлиги ҳамда тўлов пайтида ФК 241-моддаси доирасида бажарилиши мумкин бўлган ҳақиқий мажбурият мавжуд бўлган ёки бўлмаганлиги текширилиши керак. Агар учинчи шахс қарздор учун мавжуд мажбуриятни қонуний асосда бажарган бўлса, кредитор томонидан қабул қилинган пул маблағларини, одатда, асоссиз бойиш сифатида баҳолаш мумкин эмас.

ФКнинг 241-моддасида учинчи шахснинг айрим ҳолатларда қарздорнинг розилигисиз ҳам унинг мажбуриятини ўз маблағлари ҳисобидан бажариши мумкинлиги назарда тутилади. Мазкур ҳуқуқ умумий характерга эга эмас ва фақат қонунда белгиланган шароитлар мавжуд бўлганда амалга оширилади. Унинг мазмуни шундан иборатки, агар кредитор қарздорнинг муайян мол-мулкига ундирув қаратиши натижасида учинчи шахс ушбу мол-мулкка нисбатан ўз ҳуқуқидан маҳрум бўлиш хавфига дуч келса, у қарздорнинг розилигини олмасдан туриб ҳам кредитор талабини қондириш ҳуқуқига эга бўлади.

Бундай ҳолатда учинчи шахснинг мажбуриятни бажаришдан манфаатдорлиги бевосита унинг ўз мулкӣ ҳуқуқини сақлаб қолиш зарурати билан боғлиқ бўлади. Яъни у бошқа шахснинг қарзини оддий ихтиёрий равишда тўламайди, балки кредиторнинг қарздор мол-мулкига ундирув қаратиши туфайли ўзига тегишли муайян ҳуқуқ йўқолиши хавфининг олдини олади. Шу маънода, учинчи шахснинг қарздор розилигисиз ижро қилиши учун юридик асос унинг қарздор мол-мулкига нисбатан ҳуқуқидан маҳрум бўлиш реал хавфининг мавжудлигидир.

Қарздорнинг розилигисиз ва қонунда назарда тутилган махсус асослар мавжуд бўлмаган ҳолда учинчи шахс томонидан амалга оширилган ижро эса ҳар доим ҳам асосий мажбуриятни тугатавермайди. Бундай вазиятда қарздор зиммасида кредиторга тегишли ижрони тақдим этиш мажбурияти сақланиб қолиши мумкин, учинчи шахс эса кредиторга асоссиз берилган мол-мулк ёки пул маблағларини қайтариш ҳақида талаб қўйиш ҳуқуқига эга бўлади. Бироқ қарздор кейинчалик учинчи шахснинг ҳаракатини маъқулласа, бундай ижро тегишли юридик оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Қонунда назарда тутилган ҳолатларда учинчи шахс қарздорнинг мажбуриятини бажарганидан кейин кредиторга тегишли ҳуқуқлар ушбу учинчи шахсга ўтади. Бундай ҳуқуқий ворислик қонун асосида юзага келади ва талаб ҳуқуқининг ўтишига оид умумий қоидалар бўйича амалга оширилади. Хусусан, ФКнинг 313–319-моддаларида белгиланган талаб ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш механизмлари бу муносабатларга татбиқ



этилади. Натижада учинчи шахс кредитор талабини қондирган микдорда дастлабки кредитор ўрнини эгаллайди ва қарздорга нисбатан тегишли талабни илгари суриш ҳуқуқини қўлга киритади.

Мазкур конструкцияни ижара муносабатлари мисолида ҳам кўрсатиш мумкин. Масалан, нотурар жойни ижарага олган шахс ижарага берувчининг амалда тўловга қобилиятсиз ҳолатга тушганлиги ҳақида маълумот олади. Бундай вазиятда ижарага берувчининг кредиторлари унинг мол-мулкига, шу жумладан, ижарачи фойдаланаётган бино ёки хоналарга нисбатан ундирув қаратиши хавфи пайдо бўлиши мумкин. Агар бу ҳолат ижарачининг мазкур мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига жиддий таҳдид солса ва унинг етарли молиявий имконияти мавжуд бўлса, ижарачи ижарага берувчининг кредиторлари олдидаги қарзини қоплаши мумкин. Натижада у тўланган сумма доирасида дастлабки кредиторнинг ижарага берувчига нисбатан талаб ҳуқуқларини эгаллайди.

Бу механизмнинг асосий мазмуни шундаки, учинчи шахс бошқа шахс мажбуриятини бажариш орқали бир вақтнинг ўзида ўзининг мавжуд мулкӣ ҳуқуқини ҳимоя қилади ва кредитор талабини қондирган қисмида қарздорга нисбатан янги талаб ҳуқуқига эга бўлади. Шунинг учун мазкур ҳолат оддий равишда “бошқа шахснинг қарзини тўлаш” сифатида эмас, балки қонун асосида кредитор ҳуқуқларининг учинчи шахсга ўтиши билан боғлиқ мураккаб ҳуқуқӣ конструкция сифатида баҳоланиши лозим.

Амалиётда мажбуриятнинг учинчи шахс томонидан бажарилиши, одатда, қарздор учун белгиланган ижро муддати доирасида амалга оширилади. Бироқ учинчи шахс ижрони мажбурият муддати ўтиб кетганидан кейин таклиф қилиши ҳам мумкин. Бундай вазиятларда ижро муддатининг ўтганлиги учинчи шахс томонидан ижро амалга оширилиши имкониятини автоматик равишда истисно этмайди.

Иқтисодӣ судлар амалиётида ҳам учинчи шахснинг мажбуриятни ижро қилиш муддати ўтгандан кейин бажаришига принципиал жиҳатдан йўл қўйилиши эътироф этилган. Бироқ бу ерда кредиторнинг ҳуқуқӣ ҳолати инобатга олиниши шарт. Агар қонун ёки шартнома кредиторга муддати ўтказиб юборилган ижрони қабул қилишдан бош тортиш ҳуқуқини берса ва кредитор мазкур ҳуқуқдан фойдаланса, учинчи шахснинг кечиктирилган ижроси кредитор учун мажбурий бўлмайди. Агар кредитор бундай ҳуқуқдан фойдаланмаса, ижро муддати ўтиб кетганидан кейин ҳам учинчи шахс томонидан таклиф этилган ижро мажбуриятни тугатишга олиб келиши мумкин.

Фикримизча, мажбурият ижросини учинчи шахс зиммасига юклаш институтининг асосий хусусияти шундаки, унда мажбуриятнинг субъект



таркиби формал жихатдан ўзгармаган ҳолда, ижрони амалга оширувчи шахс алмашади. Шу сабабли ушбу институтни қарзни ўтказиш, талаб ҳуқуқини ўтказиш ёки мажбуриятда шахслар алмашинувининг бошқа шаклларида аниқ ажратиш лозим. Ижрони учинчи шахсга юклашда қарздор асосий мажбурият субъекти бўлиб қолади ва, қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, учинчи шахснинг лозим даражада ижро этмаслиги учун кредитор олдида жавобгарликни ҳам сақлаб қолади. Учинчи шахс эса муайян ҳолатларда фақат ижрони амалга оширувчи субъект бўлса, бошқа ҳолларда, хусусан, қонунда назарда тутилган асосларда қарздор учун ижрони амалга оширганида, кредиторнинг ҳуқуқларини эгалловчи шахс мақомига ҳам ўтиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Сарбаш С.В. Исполнение договорного обязательства / С. В. Сарбаш. – М.: Статут, 2005. –
2. Доренкова Ю.М. Исполнение договорного обязательства в гражданском праве России / Ю. М. Доренкова. – М.: 2007. – С. 6-7.
3. Карапетов, А. Г. Расторжение нарушенного договора в российском и зарубежном праве / А. Г. Карапетов. – М.: Статут, 2007. – 674 с.
4. Оболонкова, Е. В. Имущественные последствия одностороннего отказа от исполнения обязательства / Е. В. Оболонкова // Журнал российского права. 2009. – № 8. – С. 130–138.
5. Majburiyat huquqi. Darslik. O.Okuylov, N.Imomov, Y. Xodjiyev, A.Ibrohimov, B.Koryog'diyev. – Toshkent: "Dimal" nashriyoti, 2026-y. – 84 b.
6. Оболонкова, Е. В. Односторонний отказ от исполнения обязательств : науч.-практ. исследование / Е. В. Оболонкова. – М.: Волтерс Клувер, 2010. – 56 с.
7. Мильков М.А. Обязательства с участием третьих лиц в российском гражданском праве: монография / М.А. Мильков. – М.: Учеб. лит., 2010. – 72 с.
8. Шумейко И.Ю. Исполнение обязательства третьим лицом // Налоги. 2008. – № 10. – С. 24.
9. Раҳмонкулов Ҳожи-Ақбар. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). /Ҳуқуқшунослик ихтисоси бўйича олий ўқув юртлари "Хусусий ҳуқуқ" йўналиши магистратура талабалари учун. – Тошкент: ТДЮИ, 2005 й. – 61 б.
10. Fuqarolik huquqi: Darslik. I qism/ Mualliflar jamoasi – T.: TDYU nashriyoti, 2016. – 227 b.

